



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 28.01.2022 г. № 02/03-0152

между "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ и Ширин сахар Тиббиёт бирлашмаси на общую сумму 64998780,00

Глава _____ 054
Казначейский лицевой счёт _____ 401322860244107073101054002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4222000			
Январь	24 999 480,00			24 999 480,00
Февраль	24 999 480,00			24 999 480,00
Март	14 999 820,00			14 999 820,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	64 998 780,00			64 998 780,00

Всего 64998780,00 сум

Шестьдесят четыре миллиона девятьсот девяносто восемь тысяч семьсот восемьдесят сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Рахманов Бахтиёр Холмуратович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Кодиркулов Икромжон Юлдошович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: SHARTNOMA XN34327745

2.Loyihaning nomi: Tabiiy gazni ulgurji iste'molchilarga yetkazib berish va qabul qilish shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Shirin shahar tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 28 yanvarda kiritilgan.

XULOSA: Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talablari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shirin shahar
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsul'ti**



X.Xasanov

2022 yil 28 yanvar

Ширин ш.ТБ



HUDDUGAZTA' MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

ШАРТНОМАСИ

№ 03/03-0152

Гулистон - 2022йил



ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

28.01.2022 йил 20/03-0152 -сон

Гулистон шаҳар

Низом ва ишоннома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз Сирларё" газ таъминоти филиали(бундан кейин "Таъминотчи" деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устаб, Ишоннома) асосида фаолият юритувчи Шерчи ш. Таъминот берувчиси

(Истеъмолчи номи)

Ф. Раҳманов

(бундан кейин "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари _____, раҳбарининг иккинчи тарафдан, қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Таъминотчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатда амалга оширади.

1.2. Таъминотчи газни ушбу шартномага ва таъминоти лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифициккага эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Таъминотчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилмаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қашар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. 2022 йилда Истеъмолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича қўйидаги газ ҳажми етказиб берилади:

I чорак	98483	минг куб.м. январь	37818	февраль	37876	март	22727
II чорак	-	минг куб.м. апрель	-	май	-	июнь	-
III чорак	-	минг куб.м. июль	-	август	-	сентябрь	-
IV чорак	-	минг куб.м. октябрь	-	ноябрь	-	декабрь	-

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Таъминотчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навобатдаги ой

(чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Истеъмолчи томонидан газ тармоқларига уланishi амалдаги табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда «Санюатгеоконтехназорат» ДИ руҳсатномасисиз ва «Ўзнефтигазиспекция» ҳудудий бўлимининг қўлланмадагидан технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида ҳулосасисиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газ етказиб бериш тақдирланади.

2.2. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014(Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.3. Истеъмолчи Таъминотчида ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолнинг суткалик метёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

Модем ўрнатган Истеъмолчиларой давомида истеъмол қилган газ хажмини Таъминотчиға электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми ҳаққолий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчиға ой давомида ҳисоботга киритилган газ хажмини етказиб беришнинг тақдирланади.

2.4. Таъминотчи Истеъмолчиға 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгариши тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Таъминотчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

104, (78)221-12-70, (78)221-12-13, (78)227-06-02, (78)221-12-74

2.5. Таъминотчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартришишиға қадар қамида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартрилади ёки тўхтатилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш маъсумида иқтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Таъминотчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишиға ўтади.

2.7. Истеъмолчи Таъминотчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашиши таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни қўлга тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт.

Истеъмолчи Таъминотчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТТ (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолатларда, Истеъмолчи Таъминотчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартлари олиши шарт, техник шартларнинг берилиши Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилади.

2.11. Таъминотчи табиий газни ўртача суткалик норма доирасида ой мобайнида бир хил миқдорда, истеъмол қилинишиг суткалик нормасидан қамайтириш ҳисобига чекиниш зарурати бўлган ҳолатларда эса — томонлар ўртасида келишилган диспетчерлик қадвалари бўйича етказиб бериши, истеъмолчи эса (манший истеъмолчилар ва умумий ҳисоб қуввати 100 кВт.дан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасиға эга оилавий қорхоналардан ташқари) уни бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш прибори орқали олиши шарт.

Газ таъминоти ташкилотларига ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлари (нуқталар) орқали етказиб берилган табиий газ хажмлари истеъмолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг умумий йиллиқис бўйича аниқланади. ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлари (нуқталар) ва истеъмолчилар билан бўлиниши чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари қадар ўрнатилган бошқа табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун яроқсиз деб ҳисобланади.

Республика ҳудуди бўйича табиий газни етказиб беришнинг ойлик хажмлари «Ўзтранстаз» АЖ ва «Худудтаъминот» АЖ томонидан газ ташини таъминлаш ресурс ва техник имкониятларидан қилиб чиққан ҳолда аниқланади.

2.12. Истеъмолчи ёки Таъминотчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.13. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуқсиз технологик жараёниши ҳисобга олиб, Таъминотчининг кўрсатмаларини бажариш Истеъмолчи учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмадан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида

ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шариқта 1 м^3 газ олинди: ҳарорат 20°C , босим $101,325 \text{ кПа}$ (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шариқта, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меърий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шариқта автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Таъминотчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Таъминотчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНА Г-АСКУГ) ларига уланishi лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бунда табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат кийёсовидан ўтказиш сарф-харажатлари ҳисобга олиш прибори мулкдори томонидан қолланади.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида $O\% \text{ Dst } 8.030:2008$ “Ё-килги ва энергия. Ҳисобга кўйиладиган умумий талаблар”, $O\% \text{ Dst } 8.031:2008$ “Ёкилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий кийёсов кўригидан ўтказилган сертификати ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг кийёсов кўрикдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (кийёсов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (кийёсов кўриги/калибрлаш, торайириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ

ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Таъминотчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шариқтаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига кiritилиши шарт.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Таъминотчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Таъминотчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажминини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлигига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Таъминотчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг дўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қончилигига мувофиқ Таъминотчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. $O\% \text{ Dst } 8.586:(1-5)-2005$ бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзга келган тақдирда $O\% \text{ Dst } 8.064:2017$ бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобдан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олман ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирига хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган қушгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартрилишида – охирига хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – кийёсов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан кийёсовдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган

кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёсов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёсов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилотчи вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимча ечиб кўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилотчи вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини буздиغان газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилотчи вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактнинг тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки Таъминотчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисоботлари учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чеграсидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳагловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, хатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилотчи вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқловларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангиривчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - бир ҳисоб-китоб даврига;

н) газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, узиб кўйилган кундан бошлаб то аниқланган кунга қадар.

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меърий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг пастки

чегарасида олинади.

3.19. Таъминотчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни ташаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатилган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиغان газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқши ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилотчи вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун шарҳлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камидан 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қиймагининг 30% суммасини Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришга келишди.

4.4. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.5. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойн тугагачдан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.6. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аване тарзда тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.7. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгилашанидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдидан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги

ҳажмлардан ортикча олинган табиий газ қийматиغا нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлагини мониторинг қилиш учун счиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қисқа туташув ва ҳ.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортик ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.8. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчининг хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови шифатида ҳисобга олинмайди.

4.9. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддаларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўлашмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан олмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.10. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Таъминотчи вақиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТТХНА)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меърилар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.11. Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Таъминотчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритали, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдиларунга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборали.

4.12. Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
- б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлинини чегарасига ача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик

йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги;

Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.13. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Таъминотчидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнаатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритали, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборали.

4.14. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчининг кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оyi тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчи вақилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро хал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.15. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Таъминотчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.16. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳслар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олди оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов қонундан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУКУБЎЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАШИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17-бандида кўрсатиб ўтилган хукубузарликларга йўл қўйилиши, Таъминотчи ва Истеъмолчи вақиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ

ҳажми кийматининг ундириллиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мажбурияти ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилуғига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартноманин мажбуриятлар ва ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан Истеъмолчи учун мажбурий бўлган, бироқ мажбуриятномадан назарда тутилмаган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Таъминотчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қардорлик мажбул бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга старли миқдорда олинган тўловлар амалга оширилмаганда, агар тарафларнинг келишувига мувофиқ шартномада олинган тўловлар назарда тутилган бўлса;

- Таъминотчининг ва "Ўзнефтегазиселекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда; - ҳисоблаш приборларига касддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улашиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарожи қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Таъминотчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ПХПАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Таъминотчи қуйидагиларга мажбур:

- мажбуриятномани билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;

- Ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз улашишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлашишни таъминлаш;

- шартноманин 3.17-бандига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилуғига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарожи қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчида газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунида назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақлимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Таъминотчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- исик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш; Таъминотчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Таъминотчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқлари ва руҳсатсиз улашиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзасига келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғохлантирмастан ҳамда зулмик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилуғига қадар аввалдан оғохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.
- Истеъмолчи мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга табиий газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;
- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Таъминотчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш, ушбу маълумотларни тақдим қилмаслик етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ойлик истеъмол қилинган газ ҳажми ҳақидаги ҳужжатлар(табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-варақ фактура, солиштирма далолатномаси ва ҳ.к.з)ни ўз вақтида имзо(муҳр) билан тасдиқлаб бериш, Истеъмолчи тақдим қилинган ҳужжатларни имзо(муҳр) билан тасдиқлашдан бош тортиш тақдирда, ушбу ҳолат етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда ёки ЯПТга берилган гувоҳнома муддати тугаган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Таъминотчига ёзма равишда хабар бериш;
- шартномани назарда тутиб ўқиб олишдан ўтказганидан кейин уч кунлик муддат ичда асослангувчи ҳужжатни Таъминотчига тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникажиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахисизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифицикаланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ Таъминотчи вакиллари ва "Ўзнефтьгазспекция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ҳодим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни

амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқлашган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш;

- Таъминотчи томондан юборилган талабномаларга қонунда назарда тутилган 15 кунлик муддат ичда жавоб қайтариш(белгиланган муддат ичда талабномага жавоб қайтармаслик табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳолашни мумкин);

- Таъминотчи томонидан тақдим қилинган мурожаатларни қабул қилиб олиб, қонунийликда назарда тутилган ҳолатларда уларни имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бериш;

7.4. Истеъмолчи Таъминотчидан қўйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Таъминотчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишонглигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунийлик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Тарафлар мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажаришлари шарт.

8.2. Тарафлар, зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари бўйича амалдаги қонунийлик ҳужжатлари билан жавобгарлиқни ўтайдилар.

8.3. Таъминотчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қўйидаги ҳолатларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатеиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) қолун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;
- г) истеъмолчи мазкур шартнома ва/ёки унинг асосида берилган кафолат хатлари бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганда;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолатларда.

8.4. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб бериш шартлари, Таъминотчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда; в) қиш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);
- г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.5. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Таъминотчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийمатининг 20 фоизи миқдориде жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Таъминотчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.6. Таъминотчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Таъминотчи Истеъмолчига муددати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдориде, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.7. Шартномада кўрсатиб ўтилган муددатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўламаган тақдирда, Истеъмолчи муددати ўтган ҳар бир кун учун муудати ўтган суммасининг 0,4 фоизи миқдориде, бироқ муудати ўтган тўлов суммасининг 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.8. Макур шартнома билан назар тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига илова(2) қилинган "Табиий газдан фойдаланиш Қоидалари" ҳамда бошқа қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва кафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га макур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади:

Шартноманинг амал қилиш муудати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Таъминотчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда, Тарафлар қоидага кўра, уларни талабнома жўнатиш орқали сулғача ҳал этиш чораларини кўрадилар, Тарафлар талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муудат ичида унга жавоб қайтаришлари шарт, ақс ҳолда ушбу ҳолат қонунобузилиш ҳолати сифатида баҳоланади. Талабнома буюртма ёки қийматли хат тарзида, телеграф, телестайп орқали, шунингдек, тарафларнинг расмий веб сайтидаги, Давлат статистика қўмитасининг интернетдаги қорхона ва ташкилотлар ҳақидаги жойлаштирилган маълумотларидаги электрон почта манзиллари ва телефон рақамларига ёки шартномадаги электрон почта манзилларига ёки телеграмм рақамларига жўнатилиши мумкин.

10.2. Қелишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли иқтисодий судга ёки Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судимурожаат қилишга ҳақлидир, тапша ҳуқуқи даввогарда қолади.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартаришига йўл қўйилмайди, қонуида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ казибчиқариш жойларида қутилмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек енгиб бўлмақ кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёлти чикиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмақ қолганда жавобгарликка жалб этилмақдан, газ етказиб беришни тўхтайтиш, қисқартитиш

2301093



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"HUDUDGAZTA'MINOT" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.07.2019

747007

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306605769

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Muqimiy ko'chasi, 98-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





« 05 » 01 2022 y. № 03-14-10/40

I S H O N C h N O M A

O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Muqumiy ko'chasi, 98-uyda joylashgan "Hududgazta'minot" AJ (keyingi o'rinlarda Jamiyat deb yuritiladi) nomidan Boshqaruv raisi vazifasini bajaruvchi Turdiyev Toxir Jakparaliyevich, ushbu ishonchnomaga asosan Sirdaryo viloyati, Yangiyer shahar, Turkiston ko'chasi, 26-uy, 5-xonadonda yashovchi: XIDIROV DJAHONGIR ISAKULOVICH (pasport ma'lumotlari, AA-9692743 Yangiyer shahar IIB tomonidan 2015 yil 14 mayda berilgan) ga "Hududgaz Sirdaryo" gaz ta'minoti filialining direktori sifatida Jamiyat nomidan quyidagi harakatlarni amalga oshirishiga:

-filial Nizomida nazarda tutilgan vakolatlar doirasida O'zbekiston Respublikasining barcha Davlat va nodavlat muassasalari, tashkilotlar, yuridik va jismoniy shaxslar bilan yozishmalar olib borish, Jamiyatning vakili sifatida ish yuritish;

-korxonatashkilotlar, muassasalar, birlashmalar, boshqaruv organlari va huquq-tartibot organlari oldida Jamiyat manfaatlarini ifodalash, iqtisodiy, hakamlik, fuqarolik, ma'muriy va jinoiy sudlarda vakilga berilgan barcha huquqlar bilan da'vogar yoki javobgar vakili sifatida qatnashish, O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga muvofiq sudlarga kiritilayotgan da'vo arizalari, arizalar, iltimosnomalar, tushuntirishlar, e'tiroznomalarni imzolash, da'voni to'liq yoki qisman rad etish, da'voni tan olish, kelishuv bitimini tuzish, ijro varaqa yoki sud buyrug'ini olish, sud hujjatlari ustidan barcha sud instansiyalariga shikoyat berish, sud qarorini majburiy tartibda ijroga qaratish bo'yicha tegishli organlarga yuborilayotgan hujjatlarni imzolash;

-barcha turdagi jismoniy va yuridik shaxslar bilan tabiiy va suyultirilgan gazni yetkazib berish, maishiy gaz ballonlardan vaqtinchalik foydalanish, iste'molchilarga texnik va servis xizmat ko'rsatish kabi asosiy faoliyat turiga bog'liq barcha shartnomalar va kelishuvlarni tuzish va imzolash;

-iste'molchilarga ko'rsatilayotgan servis xizmat turlari bo'yicha narhnomalarni shakllantirish, xodimlarga ishbay xak to'lash haqidagi tartibini (Nizom) ishlab chiqish va tasdiqlash;

-tabiiy gaz yetkazib berish va qabul qilish dalolatnomasi, solishtirma dalolatnomalar, hisob-varaqa fakturalar, bajarilgan ishlar to'g'risidagi dalolatnomalar va boshqa turdagi hujjatlarni imzolash;

-Jamiyatning roziligi bilan har qanday bank muassasasida O'zbekiston Respublikasi milliy valyutasida bank hisob-raqamlarini ochish va yopish, O'zbekiston Respublikasida taqiqlanmagan bank operatsiyalarini amalga oshirish;

-filial qonun hujjatlarida belgilangan tartibda o'z faoliyati natijalarini hisobga olish, buxgalteriya, statistika va soliq hisobotlarini yuritish va tegishli davlat organlariga taqdim etish;

-filial Nizomi va ushbu ishonchnomaga muvofiq filialning umumiy faoliyatini boshqarish;

-barcha korxonalar, tashkilot va muassasalar oldida Jamiyat va filial manfaatlarini himoya qilish;

-filialning mablag'larini berilgan huquqlar doirasida boshqarish;

-o'z vakolatlari doirasida filialning barcha xodimlari uchun majburiy bo'lgan buyruq va ko'rsatmalar berish;

-filial Nizomiga muvofiq filial xodimlari bilan mehnat shartnomalarini tuzish va bekor qilish, shtat jadvaliga asosan (Jamiyat nomenklaturasiga kiritilgan xodimlardan tashqari) ularni boshqa lavozimlarga o'tkazish, rag'batlantirish yoki ularga nisbatan O'zbekiston Respublikasi mehnat qonunchiligi va Ichki mehnat tartibi qoidalariga muvofiq intizomiy jazo choralarini qo'llash;

-mehnat shartnomalari va Jamoa shartnomalariga asosan Filial xodimlarining mansab yo'riqnomalarini tasdiqlash, mehnatga haq to'lash turi va tizimlarini belgilashga vakolat beriladi.

Ushbu ishonchnoma bilan berilgan huquq va vakolatlar yo'nalishlar bo'yicha filial direktori o'rinbosarlari va tuman (shahar) gaz ta'minoti bo'limlari boshliqlariga xamda Davlat boshqaruvi organlari oldida Jamiyatning huquq va manfaatlarini himoya qilishda ishtirok etish, jinoiy, ma'muriy, fuqarolik, iqtisodiy va xakamlilik sudlarida da'vogar yoki javobgar vakili sifatida qatnashuvchi shaxslarga berilishi mumkin.

Ushbu ishonchnomaning amal qilish muddati berilgan kundan boshlab 2022 yil 31 dekabr gacha amal qiladi.

Mazkur ishonchnomaning amal qilish muddati Jamiyatning qarori (buyrug'i, farmoyishi)ga asosan muddatidan oldin bekor qilinishi mumkin.

**Boshqaruv raisi
vazifasini bajaruvchi**



T. J. Turdiyev

